

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Қарши шахри

2023 йил 24 октябрь

Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьяси У.Латипов раислигида, судья ёрдамчиси Б.Давлятовнинг котиблигида аризачи Қашқадарё вилоят солиқ бошқармасининг қарздор **"SAMO S" масъулияти чекланган жамиятини** соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили А.Дониёров (ишончнома асосида), жавобгар вакили (иштирокисиз)лар иштирокида суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи Қашқадарё вилоят солиқ бошқармаси судга мурожаат қилиб жавобгар **"SAMO S" масъулияти чекланган жамиятини** соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили тушунтириш бериб, жавобгарнинг бюджет олдида қарздорлиги мавжудлигини, жавобгарнинг мол-мулки йўқлиги ҳақида тегишли ташкилотлардан маълумотлар олинганлигини, солиқ қарзини ундириш бўйича кўрилган чоралар натижа бермаганлигини баён қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси тайинланган кун ва вақти ҳақида ажрим нусхаси жавобгарнинг судга маълум бўлган охириги манзилига юборилган бўлсада, манзилда юқлиги ҳақида почта хабарномаси қайтиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги ўринда - ИПК) 128-моддасига кўра иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади, агар суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса.

Мазкур ҳолатда суд жавобгар суд мажлиси тайинланган кун ва вақти ҳақида хабардор қилинган деб топиб, ИПКнинг 170-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблади.

Шунга кўра, суд аризачи вакилининг иш бўйича тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларга асосан ариза талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатларга кўра қарздорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги жами қарздорлиги **18 578 279** сўмни ташкил қилган.

Қарздорликни ундириш ҳақида кўрилган чоралар натижа бермаганлиги сабабли Мажбурий ижро бюросининг **2023 йил 28 апрелдаги** қарори билан "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан ижро ҳужжати ундирувчига



ижро этилмасдан қайтарилган.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасини биринчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат: вақтинча тўловга қобилиятсизлик – агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредитор талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги; доимий тўловга қобилиятсизлик – агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида, ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмаслиги белгиланган.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 241-моддасини биринчи қисмида, ўз фаолиятини тугатган қарздор яқка тартибдаги тадбиркор ёки тугатиладиган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерни (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу Қонуннинг 242-моддасини тўртинчи қисмида, тугатиш бошқарувчиси ўзига маълум бўлган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади, улар хабарномани олган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини тақдим этиш мумкин.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида, тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкни аниқлаган тақдирда суд мазкур бошқарувчининг илтимосномасига кўра тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини тугатиш ҳамда тўловга қобилиятсизликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий тартиб-таомилларига ўтиш ҳақида ажрим чиқариши мумкинлиги белгиланган.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иловаси, яъни Давлат божи ставкаларининг миқдорларини иккинчи бандини “в” кичик бандида, ташкилотлар ва фуқароларни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризалардан БҲМнинг уч баравари миқдоридан давлат божи ундирилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, суд аризани қаноатлантириб, жавобгарни тўловга қобилиятсиз деб топишни ҳамда суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Бинобарин, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 51, 52, 140, 241, 242-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 176–179, 186-



моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Аризачи Қашқадарё вилоят солиқ бошқармасининг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар "SAMO S" масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Жавобгар "SAMO S" масъулияти чекланган жамиятининг тугатиш бошқарувчиси этиб 2-тоифали суд тугатиш бошқарувчиси А.Рахманов тайинлансин.

Суд тугатиш бошқарувчиси А.Рахманов зиммасига қарздор тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақида расмий нашрда эълон бериш, тугатишга доир иш юритишни "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонун асосида ташкил этиш ва ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2013 йилдаги 224-сонли "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги"ги Қарорига асосан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлаш ва хулосани судга тақдим этиш, шунингдек тугатиш жараёнида қарздор корхонанинг мол-мулки йўқлиги ҳақидаги маълумотларни тўлиқ олиш ва қилинган ишлар ҳақида ҳар ойда 1 (бир) мартаба судга ёзма оралиқ ҳисобот тақдим этиб бориш ҳамда якуний ҳисоботни тақдим этган ҳолда тугатиш ишларини 2023 йил 24 январга қадар якунлаш вазифаси юклатилсин.

Жавобгар "SAMO S" масъулияти чекланган жамиятидан аризачи Қашқадарё вилоят солиқ бошқармаси фойдасига 33 000 сўм почта харажати;

Республика бюджетига 990 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори нусхаси томонларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасига ва Мажбурий ижро бюроси бўлимига юборилсин.

Аризачининг тўлов топшириқномаси билан суд тугатиш бошқарувчиси иш ҳаққи учун тўланган 990 000 сўм иш ҳаққи мазкур иш бўйича тугатишга доир иш юритиш якунлаш ҳақидаги ажрим асосида суд тугатиш бошқарувчисига тўлаб берилиши қайд этилсин.

Қашқадарё вилоят солиқ бошқармасига жавобгар "SAMO S" масъулияти чекланган жамиятидан давлатга етказилган зарарни қарздор раҳбари ва унинг таъсисчиларидан субсидиар тартибда ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддат ичида апелляция тартибда шикоят бериши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Судья

У.Латипов

